

УРУҒ МЕВАЛИ БОҒЛАРДА БУЗОҚБОШИ ҚЎНҒИЗЛАРНИНГ ЗАРАРИ, БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШЛАРИ

Саъдуллаев Жавоҳир Ғайбулло ўғли, магистрант,
Умурзоқов Музаффар Расул ўғли, магистрант,
Аблазова Моҳичехра Мирақбаровна, қ.х.ф.ф.д., доцент,
Тошкент давлат аграр университети.

Аннотация. Ушбу мақолада Республикамизда уруғли мевали боғларида бузоқбоши қўнғизларнинг тарқалиши, зарари, биоэкологиясини ўрганиш асосида уларга қарши самарали кураш чораларини қўллаш бўйича тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: бузоқбоши қўнғизлар, интенсив мевали боғлар, тупроқ ости зараркундалари, личинка, гумбак, кўчат зараркундалари, препаратлар.

Қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш ва етиштирилган ҳосилни сақлаб қолишдаги асосий омиллардан бири зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларлардан ҳимоя қилишдир. Инсоният биргина зараркунандалар туфайли ҳар йили: 203,7 млн.тонна – дон; 228,4 млн.тонна – қанд лавлаги; 23,8 млн.тонна – картошка; 23,4 млн.тонна – сабзавот; 11,3 млн.тонна – мева ҳосили йўқотилишига олиб келади [4].

Ўзбекистоннинг мевали боғларида 200 дан ортиқ зараркунанда ва 50 дан ортиқ касаллик кўзгатувчи замбуруғлар учраши қайд қилинган. Боғ ва токзорларда учрайдиган зараркунандаларнинг айрим турлари - олма, олхўри ва узум мевахўр куртлари, бинафшаранг, сохта қалқондорлар, мева ўргимчаканалари, нок ширинчаси, нок шира бити, акация сохта қалқондори, шарқ мева курти, филофли куялар бузоқбоши қўнғизлар йил ва мавсум давомида бир неча марта авлод бериб жиддий зарар келтиради [2].

Ушбу зараркунандалардан Coleoptera туркуми вакилларнинг мўйловлилар (*Scarabaeidae*) оиласига, бузоқбоши қўнғизлар (*Melontha melontha*, *M. hypocastani*), авлодига мансуб турлардир. Ўрта Осиёдаги мевазор боғларга бузоқбоши қўнғизларнинг уч тури: зарарли бузоқбоши қўнғизи, уч тишли бузоқбоши қўнғизлари ва март бузоқбоши қўнғизи кўп зарар етказиши. Бузоқбоши қўнғизлар личинкаси дарахтларнинг илдизини кемиради, дарахтлар орасига экилган экинларга ҳам зарар етказиши. Бузоқбоши қўнғизларнинг личинкаси фазасида айрим ҳолларда эса ҳали фаол ҳаёт кечиришга ўтмаган қўнғизлик стадиясида қишлайди. Личинкалари ва гумбаклари, одатда, ернинг тахминан 20 см чуқурида бўлади; ер нам бўлганда личинкалар ер юзига чиқади. Март бузоқбоши қўнғизлари март ойидан апрелнинг ярмига, баъзан охиригача зарарли ва уч тишли бузоқбоши қўнғизлар июннинг ярмидан июлнинг ярмигача учиб юради. Улар ғира-шира қоронғи тушиши билан уча бошлайди. Ўрғочиси соя жойларга, дарахтларнинг тагига, ернинг юза қатламларига битта ёки икки-учта тухум қўяди. 2-3 сутка давомида ҳаммаси бўлиб 30 та тухум қўяди. Бир ойдан кейин улардан личинкалар чиқади. Личинкалар биринчи марта фақат келаси йили пўст ташлайди ва шу вақтдан бошлаб дарахтларнинг илдизини кемириб, сезиларли даражада зарар етказа бошлайди.

Бузоқбоши қўнғизларни 3 тури ҳам бир-бирига ўхшайди. Уларнинг катталиги 2,5-3,3 см атрофида. Ранги қизғиш, майда оқ доғи, кўрак қисми остида ва оёқларининг асосий ярмида узун оқиш туклари бўлади. Эркак бузоқбоши мўйловларининг учи 7 донга узун ўрғочилариники эса 5 донга калта пластинкалардан иборат. Уч тишли бузоқбоши оғиз аппарати юқорисидаги пластинкасининг пастки чеккаси 3 бўлакка бўлинганлиги билан зарарли бузоқбошидан фарқ қилади. Зарарли бузоқбошининг устки қанотидаги тангачалар доғ шаклида ҳар жойда, зарарли бузоқбошиники эса бир текис жойлашган. Бузоқбоши қўнғизларининг имагоси деярли зарар етказмайди, личинкаси мева дарахтлари, ток ва буталарнинг илдизини кемириб, ката зарар етказиши. Бузоқбоши қўнғизлар узоқ вақт давомида ривожланади. Уч тишли ва зарарли бузоқбоши 3 йилда, март бузоқбошиси 4 йилда бир марта насл беради. Уч тишли ва зарарли бузоқбоши қўнғизларнинг имагоси 30-40 кун, март бузоқбоши қўнғизиники 9 ойгача яшайди. Тухуми 40-50 кунда, гумбаги 15 кун давомида ривожланади. Бошқа вақтда личинкалик босқичида бўлади. Личинкаларнинг танаси йўғон, ёйсимон, ранги хира оқ бўлади. Уларнинг орқа томони йўғон калта тук билан қопланган. Март бузоқбошисининг личинкаси 5 см, зарарли ва уч тишли бузоқбошилариининг личинкаси 6,5 см бўлади. Личинкалар 3 марта пўст ташлаб, имагога айланади [2].

Республикамизнинг интенсив мевали боғларида ушбу бузоқбоши қўнғизларнинг зарари ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Тупроқдаги зичлиги 1 м² 12-14 тагача етганлиги ва 30-40% гача экин майдонларидаги кўчатлар зарарланганлиги кузатувлар давомида аниқланган [4].

Кураш чоралари. Янги боғларни ташкил қилиш ва кўчатзорларда кўчат ўтказишдан олдин тупроқ таркибини текширувдан ўтказиш лозим. Бунда муайян ердаги зараркунандалардан бузоқбоши, қарсилдоқ қўнғизлар личинкаларнинг жойлашиш зичлиги аниқланади. 1м² майдонда 2-3 та бузоқбоши личинкаси борлиги аниқланса, бу кўчатлар учун хавfli ҳисобланади. Бузоқбоши қўнғизлар ва бошқа тупроқ ости зараркунандаларига қарши курашда агротехник ва ташкилий-хўжалик чора-тадбирлари асосий ўринни эгаллайди. Тупроққа асосий ва қўшимча ишлов бериш алмашлаб экишни тўғри йўлга қўйиш, ўғитлаш,

суғориш , ва қатор ораларини банд қилувчи экинлар экиш зараркундалар сонини камайишига ёрдам беради. Қўнғизларнинг зарарлилиги ИЗММ дан ошадиган бўлса

қуйидаги препаратлар тавсия этилади: Децис 2,5% эм.к. (0,5 л/га), БИ-58 40% эм.к. (0,8 л/га), Караче ДУО 25% н.кук. (0,3 л/га).

АДАБИЁТЛАР:

1. Сулаймонов, Б.А., Болтаев Б.С., Ш.Х. Абдуалимов Боғ, токзор ва дала экинларининг зараркунанда, касалликлари ҳамда уларга қарши кураш чоралари усуллари. Т. 2018 й. 5-9 бетлар. “Наврўз” нашриёти.
2. Сулаймонов Б.А., Кимсанбоев Х.Х., Эсанбаев Ш. Мевали боғ зараркундалари ва уларга қарши биологик усулни қўллаш асослари. Т. 2015 й. 71-74 бетлар. “Extremum-Press” МЧЖ нашриёти.
3. Сулаймонов Б.А, Болтаев Б.С, Комилов Ш Қишлоқ хўжалик экинларини зараркундалари, касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари. Қўлланма.-Т.: 2013 й. 52 б.
4. Пўлатов О.А., Хурасанов Х.Ж. Мевали боғларни асосий зараркундалари. Т. 2015 й. Агроилм. 12-14-бетлар.
5. <https://www.agrowebcee.net/fileadmin/content/aw>

УЎТ : 632.937.15

ЧИГИРТКАЛАР ТАРҚАЛИШИНИ ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА МОНИТОРИНГ ҚИЛИШНИ ЎРНИ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ

Усманов Санжарбек Паҳлавонович,
қ.х.ф.ф.д (PhD), доцент в.б.,
Андижон қишлоқ хўжалик ва агротехнологиялар институти,
Нуржонов Фозилбек Аллабергенович,
докторант, ЎзР ФА Мамун академияси.

Аннотация: мақолада Республикамиз ва дунёда чигирткалар тарқалишини мониторинг қилиш учун ГАТ технологияларидан фойдаланиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари ва уларнинг долзарблиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: ГАТ, мониторинг, масофадан зондаш, осие чигирткаси, марокаш чигирткаси, сахро чигирткаси.

Аннотация: В статье представлены информации об актуальности и применение ГИС (геоинформационных систем) технологий, в мониторинге распространение саранчовых в нашей стране и в мире.

Ключевые слова: ГИС, мониторинг, дистанционное зондирование, азиатская саранча, мароккская саранча, пустынная саранча.

Abstract: The article provides information about the relevance and using GIS (geographic information systems) technologies in the monitoring of the spreading of locusts in our country and in the world.

Key words: GIS, monitoring, remote sensing, Asian locust, Moroccan locust, African migratory locust.

Коронавирус пандемияси туфайли 2020 йил инсоният тарихида кескин ўзгаришлар, салбий оқибатлар ва сабоқларга бой бўлган йил сифатида муҳрланиб қолди. Шу кунгача рўй берган табиатнинг инсонга бўлган биологик, геологик ва иқлим таъсирлари пандемиянинг соясига ўтиб қолди. Булар қаторида чигирткалар муаммоси ҳам қўшилди. Негаки, қарши кураш чораларига қарамай 2020 йилда фақатгина сахро чигирткасининг 15 млн. гектар майдонда ялпи кўпайиши оқибатида шимолий Африка ва жанубий Осиё давлатларида ярим млд. долларга тенг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари йўқотилган [1].

БМТ ҳузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг (ФАО) маълум қилишича, Ўрта Осиё ва Кавказ давлатларида тарқалган тўда ҳосил қилиб яшовчи марокаш, италия ва осие чигирткаларига ўз вақтида қарши кураш чора-тадбирлари ўтказилмас, 25 млн. гектардан ортиқ майдондаги яйлов ўсимликлари ҳамда қишлоқ хўжалик экинларига зарар келтирилди. Натижасида улардан олинadиган маҳсулотларни йўқотилишига ва бунинг

оқибатида 20 млн. дан ортиқ инсонни бевосита озиқ-овқат маҳсулотларисиз қолиш хавфи юзага келишига сабаб бўлди [3].

Кейинги йилларда дунёнинг бир қатор ривожланган давлатларида зараркунанда организмларга қарши курашишнинг ГАТ технологиялари ва МЗ (масофадан зондаш) маълумотларига асосланган мониторинг тизимлари яратилмоқда. Жумладан, бу тамойил Европа мамлакатлари, АҚШ, Австралия, Россия, Қозғистонда кенг тарқалган ва катта зарар етказадиган ёки карантин объект ҳисобланган зарарли организмларнинг тарқалиши, улар ривожланишини башорат қилиш ҳамда кураш чораларини олиб боришда ГАТ технологияларидан фойдаланиш ишлари жорий қилинган. Африка қитъасининг сахро чигирткаси катта зарар етказадиган мамлакатлари ҳудудида ҳам МЗ ва GPS маълумотларига асосланган ГАТ технологияси шу чигиртка турини тарқалишини мониторинг қилишда қўлланилмоқда.

ГАТ технологиясидан фойдаланишдан мақсад чигиртка-